



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2 июнь куни аҳолининг дам олиши учун муносиб шароитлар яратиш, имлфан ва маданиятни ривожлантириш, энгил саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этиш, экспортни кенгайтириш лойиҳалари билан танишди, янги намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларда бўлиб, одамлар билан суҳбатлашди. Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича йиғилиш ўтказди. Ушбу тадбирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, жумладан, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Президентимиз 3 июнь куни Андижон шаҳридаги «Ейилма» маҳалла фуқаролар йиғинига ташрифи чоғида маҳалла ҳаёти билан танишди, одамлар билан мулоқот қилди. Маҳалла фуқаролар йиғини гузартириш лойиҳаси, ҳудудда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Бу ерда маҳалла раиси, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хизмат хоналари бўлиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, кутубхона, минн-маркет, қарилар дам олиш жойи, болалар майдончаси, фаввора, тренажёр майдони, сартарошхона, «Гўзаллик саломи», новойхона қурилмоқда.

Маҳалла аҳли билан мулоқотда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибни сақлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш ва адашганларни тўғри йўлга қайтаришда нурунийларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Фарзандларимизни болалигидан гўзал хулқли, маданиятли қилиб тарбиялашимиз лозим, деди Президентимиз. Бунинг учун муносиб шароит яратишимиз керак. Улар чиройли, обод жойларда яшаса, кўп китоб ўқиса, маънавий олами бой, ватанпарвар бўлиб воёга етати.

Ейилма маҳалласидаги 60 дан ортқ кўп қаватли уйда 5 минг 800 дан зиёд турли миллат вакиллари истикомат қилади. Ҳудудда 8 болалар майдончаси, минн-футбол, баскетбол, футбол майдонлари бор. 1 коллеж, 1 умумтаълим мактаби, 2 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз маҳалладаги кўп қаватли уйлар, коллеж, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари атрофини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Маҳалла профилактика инспектори Фаррух Ганиев хонадонидан бўлди.

Профилактика инспекторларини маҳаллалар марказида хизмат уйлари билан таъминлаётганимиз беҳиз эмас, деди Шавкат Мирзиёев. Профилактика инспектори маҳаллада яшаб, фоллар билан бамаслаҳат иш олиб борса, ҳудудда маънавий муҳит яхшиланади, жиноят содир этилмайди. Бу аҳолининг адолатга, давлатга, эртанги кунга ишончини оширади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги қарорига мувофиқ Андижон шаҳрида кўп қаватли 37 замонавий уй-жой бунёд этилиши белгиланган. Бугунги кунда Султон Жўра номидидаги маҳалла фуқаролар йиғинида 294 хонадонга мўлжалланган еттига кўп қаватли турар жой бунёд этилмоқда.

Бу турар жойлар биринчи галда уйга муҳтож одамларга берилади. Ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши, мустақил, эмин-эркин яшаши учун шароит яратилади.

Андижон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Андижон шаҳрининг бош режасига мувофиқ шаҳар ҳудудини кенгайтириш режалаштирилган. Кўп қаватли уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва спорт муассасалари қурилиши мўлжалланган.

Универсал спорт мажмуеси — улاردан бири. Махмуа лойиҳасини тақомиллаштириш, фаолиятини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Махмуа кўп тармоқли, кўплаб спорт турларига ихтисослашган бўлади. Спорт федерациялари шу ерга жойлашади. Махмуада халқаро мусобақалар, оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш учун зарур шароит яратилади.

Президентимиз ташаббуси билан Андижон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф хиббони ва мактаби ташкил этилмоқда. Бу борадаги режалар билан танишув чоғида хиббонда Мухаммад Юсуф ҳайкалининг ўрнатиш, мактаб фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берилди.

Андижон шаҳрида Республика ихтисослаштирилган кардиология ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказлари филиалларини ташкил этиш, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, Андижон давлат тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлаш режалаштирилган.

Бу шифохоналар ихтисослашган тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, мураккаб жароҳлик амалиётларини вилоятнинг ўзидан ўтказиш, касалликларни самарали даволаш ва уларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли ҳаёти, саломатлиги билан боғлиқ бу шифохоналарни тезроқ ишга тушириш, вилоят туманларида уларнинг субфилиалларини ташкил этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари эски «Андижонмаш» акциядорлик жамиятида бўлди. Бу ерда ташкил этилиши режалаштирилаётган кичик саноат зонаси лойиҳаси билан танишди.

Бўш турган ер майдони 19,16 гектар бўлган мазкур ҳудудда ташкил қилинадиган саноат зонасида энгил саноат, электрокабель, чарм-поябзал маҳсулотлари, эшик-ром, мебель, дори-дармон, пластмасса ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари қайта ишланади. 2 минг янги иш ўрни очилади.

Саноат зонасида тадбиркорлар ва тижорат банклари томонидан 127 миллиард сўмлик 15 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

«Engelberg Group» МЧЖнинг янги фабрикаси ана шу лойиҳалардан бири. Алюмин профилли ромлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона Туркия ва Германиядан келтирилаётган замонавий технологиялар билан жиҳозланади. «Роҳат савдо сервис» МЧЖ томонидан суспензиялар, тиббий мазлар, ампулалар, сироп ва таблеткалар ишлаб чиқарилади.

Президентимизнинг 2017 йил 23 февралдаги «Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижроси юзасидан вилоятда изчил ишлар олиб боришмоқда.

Вилоятдаги хусусийлаштирилган ва бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш юзасидан қўйилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берилди. Бу борада шаҳар ва туманларда қўшимча хатлов ишлари олиб боришмоқда. Шу кунга қадар 5 минг 697 бино-иншоот хатловдан ўтказилиб, уларнинг 283 таси бўш турганини аниқланган. Шулардан 210 тасида янги лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган.

Президентимизга тақдим қилинган лойиҳалар кичик ва йирик ГЭСлар қуриш, газ таъминоти тизимини тақомиллаштириш, цемент ва оҳак ишлаб чиқариш каби йўналишларга мўлжалланган.

Булоқбоши туманида Хитой технологияси асосида йилига 21 минг тонна кимёвий чўктирилган бўр маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа Марказий Осиёда ягона соҳибланади. Маҳсулот тўлиқ маҳаллий ҳомашё — оҳактошдан олинади. Корхона ишга тушгач, чет элдан сотиб олинаётган шу турдаги маҳсулотта бўлган талаб қондирилади, уни экспорт қилиш йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳа ташаббускорлари — тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

«Узфармсанот» компанияси ва тижорат банклари томонидан 2017-2018 йилларга мўлжалланган фармацевтика соҳасини ривожлантириш дастури лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилди.

«Трастбанк» томонидан Андижон туманида «Zamin Bio Health» жамиятида йиллик қуввати 10 миллион флакон инсулин ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳа амалга оширилган, 100 киши иш билан таъминланади.

«Ўзэлтехсанот» акциядорлик компанияси ва тижорат банклари томонидан 2017-2018 йилларга мўлжалланган мазкур соҳани ривожлантириш дастури лойиҳаси яратилган иш ўринларининг кўпчилиги билан эътиборни тортиди.

Президентимиз «Узавтосаноат» акциядорлик компанияси Андижон вилоятида амалга ошириш режалаштирилган лойиҳалар билан танишди. Янги автомобиль русуми — «Chevrolet tracker»-ни ишлаб чиқариш бўйича маълумот берилди.

Бунда энгил автомобилларнинг ускуна ва жиҳозларини модернизация қилиш, энгил автомобиллар қисмларини ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш, янги моделдаги автомобиллар учун интерьер, штампланган, пайвандланган панеллар, радиатор, кондиционер тизимлари, ўриндиқлар, овоз сўндиргич тизими қисмлари, газ чиқариш тизимлари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш кўзда тутилган. Лойиҳаларни янада тақомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди. Андижон шаҳри Миллий тиклиниш кўчаси, 24-уйда жойлашган мазкур қабулхонада халқ билан мулоқот қилиш, муножаатларни кўриб чиқиш учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи — одамлар билан самимий мулоқотлар, сафар давомида белгилаб берилган улкан бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шугулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз вакилларининг Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришаётгани, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва спорт салоҳияти янада ошаётгани, республикаимиз ҳудудларида жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт иншоотлари барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида ўч босқичдан иборат «Умид нихоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари оммалашиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли одатлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўйбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш борасида муҳим ва долзарб вазифалар турбиди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланишга жалб этиш, мамлакатимизда бу борада яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш натижадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйдагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни янада тақомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт комплексларини қуриш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, мазкур соҳада хусусий секторни ривожлантириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини илмий-услувий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда спорт мактабларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш;

таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлаш;

оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқининг имкониятларидан фол фойдаланган ҳолда, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Дастурнинг мазмун-моҳияти ҳамда уни амалга ошириш жараёни тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

2. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи республика

комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Н.Арипов) вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Дастурда назарда тутилган барча чора-тадбирлар тўлиқ амалга оширилиши юзасидан масъул вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

бир ҳафта мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Дастур ижросини таъминлаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилишини таъминлаш;

икки ҳафта мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ҳокимликлари томонидан ушбу қарор ва дастурдан келиб чиққан ҳолда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилишини таъминлаш;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига қиритилган барча спорт турлари бўйича тегишли республика ва ҳудудий спорт федерацияларига (уюшмаларига) бириктирилаётган ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдам бериш бўйича таклифлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир барча масалалар ҳал этилишини таъминлаш;

икки ой мuddатда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли ташкиллаштириш ва назорат қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Республика комиссияси томонидан амалга оширилган ишларнинг натижалари мунтазам равишда ҳукуматнинг ярим йиллик мажлисларида муҳокама қилиб борилинсин.

3. Дастурнинг молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, жамғармалар, спорт федерациялари (уюшмалари), клублари, хорижий инвесторлар, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари аҳоли, ўқувчи ва талабаларни спорт мусобақаларига, республика спорт тадбирларига юбориш учун маблағлар Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар доирасида асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; спорт иншоотларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин;

Дастурни амалга ошириш доирасида бажариладиган лойиҳавий ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳарсозлик

нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин ҳамда буюртмачи ва пудратчи тақсирлотлар томонидан тузилган шартномалар шартлари бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан билдирилган ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида спорт тиббиёти бўлиmlарини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифлар маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига:

Дастур ва унинг асосида ишлаб чиқилган ҳудудий дастурларда белгиланган барча чора-тадбирлар ижроси ўз мuddатида сифатли амалга оширилиши юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳудудий ишчи гуруҳларга ташкилий-услувий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон тарма жамоалари спортчиларининг ўқув-машғулот йиғинлари, жаҳон биринчиликлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари, халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишларини таъминлаш мақсадида мусобақалар якунларида эришилган натижаларни чуқур таҳлил қилиш ва тизимли мониторингини олиб бориш;

ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган спорт мактабларига, таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли спортчиларни қабул қилиш жараёнининг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлаш юзасидан доимий равишда таъсирчан чоралар қўриш ҳамда ҳар чорак якунлари бўйича қўмитанинг мажлисларида танқидий-таҳлилий муҳокамадан ўтказиш вазифалари юклансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

спорт иншоотлари йил давомида узлуқсиз фаолият юритишини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эҳтиёжга кўра спорт иншоотларини муқобил энергия манбалари билан жиҳозлаш чораларини кўрсин;

тегишли ҳудудда спорт федерацияларига (уюшмаларига) бириктирилаётган ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдам бериш турлари (бино ва иншоотлардан бепул фойдаланиш, маблағлар ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш ва ҳ.к.) бўйича таклифлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир барча масалалар ҳал этилишини таъминласин;

спорт таълим муассасалари ва мажмуалари ихтиёридаги ер майдонларини (очик ва ёпиқ турдаги спорт иншоотларини) тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида амалга оширилишига қатъий риоя қилинсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Дастурнинг мазмун-моҳияти ҳамда унинг доирасида ташкиллаштирилаётган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет тармоғи орқали аҳоли орасида мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 3 июнь

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОСТАНА ШАҲРИДА ЎТАДИГАН ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 8-9 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Остана шаҳрида ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини

муҳокама этиши, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашиши, 2017-2018 йилларда ташкилотга раислик қиладиган давлат масаласини кўриб чиқиши қутулмоқда.

ШҲТнинг Тошкент саммити қарорларини амалга ошириш доирасида Остана шаҳрида Хиндистон ва Покистонни

ташкилот аъзоллигига қабул қилиш жараёни нихосига етказилади.

Ўзбекистон Президенти Остана шаҳрида ЕХРО — 2017 ихтисослаштирилган халқаро кўргазманинг расмий очилиш маросимига ҳам иштирок этади, қатор хорижий делегациялар раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўткази-ди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратилди, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш ишлари тизимли ташкил этиш бора-сида кенг қўлланма ишлар амалга оширилди.

Ортимизда ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида тобора оммалашиб бораётган, таълим муассасаларида таҳсил олаётган навқирон ўғил-қизларимиз учун чинакам чиниқиб ва маҳорат мактабига, катта ҳаёт йўлига парвоз майдончасига айланиб улгурган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари ўзидан муассасалардан уч босқичдан иборат яхлит тизим яратилди. Мазкур тизим орқали бугунги кунда нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган машҳур спортчилар етишиб чиқмоқда. Энг муҳими, ушбу мусобақалар ёшларимизни оммавий тарзда спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш воситасига айланди.

Фақат сўнгги беш йил ичида республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан 1 триллион 230 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан қамраб олиш,

мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломлик ҳамда етуқликнинг асосий шартларидан бири эканлигини фаол тарғиб этиш, ёшларга ўз қobiliят ва истеъдодларини рўйбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан спорт соҳасида алоҳида иқтидор эгаларини саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби масалалар тизимли асосдаги ечимини кутмоқда. Қатор спорт муассасаларининг моддий-техник базаси замон талабларига жавоб бермайдиган, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Мазкур соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури тасдиқланиб, унга мувофиқ кенг қўлланма, аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, дастурга мувофиқ:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт комплексларини қуриш, уларни замонавий спорт ускуна-лари ва анжомлари билан

жиҳозлаш, мазкур соҳада хусусий секторни ривожлантириш; жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, спорт мактабларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш;

таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлаш каби йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Дастур ижроси доирасида спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг штатлар жадвалига «Спортчи» лавозими жорий этилиши Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган муҳим қадам ва-зифасини ўтайди.

Дастурда, шунингдек, барча таълим муассасалари спорт иншоотларида дарсдан сўнг ўқувчи ва талабалар учун спорт тўғрақлари ҳамда спорт клублари фаолиятини тизимли ташкил этиш ва бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида спорт турларида ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларида «Спорт тўғраги ва селекция бўйича тренер» лавозимини киритиш белгиланган. Мазкур лавозимни

жорий этиш орқали таълим муассасаларида ташкил этиладиган спорт тўғрақлари билан қўшимча равишда минглаб ўқувчи ва талабаларни қамраб олишга эришилади ва уларга спорт билан мунтазам равишда шуғулланишлари қўлай имкониятлар яратилади.

Бундан ташқари, дастурда жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган таълим муассасалари ва спорт клублари фаолиятини олимпия, миллий ва бошқа спорт турлари кесимида рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш белгиланган уларнинг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг «Жисмоний тарбия ва спорт аълочили» кўрак нишонининг таъсис этилиши эса соҳа фидоийлари меҳнатини янада муносиб рағбатлантиришга хизмат қилади.

Дастурга кўра, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида ўтказиладиган уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари дастурларини спортнинг оммавий турлари ҳисобига кенгайтириш, нуфузини ошириш ва мусобақа голибларини муносиб рағбатлантириш тизимини тубдан такомиллаштириш назарда тутилган.

Ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли равишда ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Республика ва ҳудудий кенгашлар фаолиятининг ташкил этилиши, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш жараёнида шаффофлик ва холис-лиқни таъминлаш чораларининг

амалга оширилиши пировардида халқаро мусобақаларда спортчиларимиз ютуқлари салмоғини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Қарорда ўз ечимини топган муҳим масалалардан яна бири — ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида спорт тиббиёти бўлимларининг ташкил этилиши ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш белгиланган қўйилганидир.

Дастур доирасида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида жами 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган бўлиб, шундан 706,2 миллиард сўмдан ортиқ қисми ушбу йилларда жами 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмуаси ва 77 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилади.

Қарор ва дастур доирасида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг жамиятимиз ҳаётидаги ролини янада кучайтириш, аҳолининг барча қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларга ўз қobiliят ва истеъдодларини рўйбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни яратиш орқали уларни оммавий тарзда спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш, қолаверса, нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган машҳур спортчиларимиз сафларини тобора кенгайтиришга хизмат қилади.

Парламент ҳаёти ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ҲАҚИДА

хорижий инвесторларнинг
хабардорлигини ошириш
ЛОЗИМ



Акмал УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
Саноат, қурилиш ва савдо
масалалари қўмитаси аъзоси:

— Мамлакатимизда маҳаллий ҳомаёе ва ишлаб чиқариш захираларидан кенг фойдаланиш, шу аснода эркин иқтисодий зоналарда замонавий рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш долзарб масаладир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси Ангрен эркин иқтисодий зонасида давра суҳбати ўтказди. Унда қуйи палата депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, тегишли вазирлик, қўмита ва идоралар, республикада ташкил этилган барча эркин иқтисодий зоналар ҳамда саноат корхоналари раҳбарлари Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш ҳамда ресурслар салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланилишини таъминлашда эркин иқтисодий зоналарнинг роли хусусида фикр-мулоҳаза юритишди.

Тадбирни ўтказиш учун «Ангрен» эркин иқтисодий зонаси бежиз танлангани йўқ. Бу ерда Жанубий Корея, Сингапур, Австрия, Буюк Британия, Болгария каби давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари ҳамкорлигида турли ўлчамдаги мис қувурлар, техник кремний, энергия тежовчи диод лампалар, кўмир брикетлари ва замонавий қурилиш-пардозлаш материаллари, шунингдек, шашар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Ангренга темир йўл туширилгани ва унинг электрлаштирилгани, водийга элтувчи автомобиль йўлининг талаб даражасига келтирилгани, шаҳарнинг марказга яқинлиги ҳамда Ангрендан пойтахтга кирмасдан мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига ўтиш имконияти мавжудлиги сармоядорларнинг бу эркин иқтисодий зонага бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатадиган корхоналарга киритиладиган инвестициялар ҳажмига қараб, 3 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қўлланилади.

Бу борада Президентнинг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш имкониятларини бермоқда.

Шу билан бирга, ташкил этилаётган иқтисодий зоналарнинг жадал ривожланишини таъминлаш учун айрим фойдаланилмаган имкониятлар ва захираларни ишга солиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, депутатлар эркин иқтисодий зоналар хусусиятлари, бериладиган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш чора-тадбирларини кучайтириш лозимлигига эътибор қаратди.

Тадбир давомида «Ангрен» эркин иқтисодий зонасида фаолият олиб бораётган «Ангрен қувур заводи» унитар корхонаси ва «Ўз-Приста Ресайклинг» қўшма корхоналари фаолияти билан яқиндан танишилди.

ЎЗХДП ҳаёти

Сурхондарё вилоят кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш сектори «Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш — бурчимиз» лойиҳаси доирасида бир қатор тадбирлар ўтказмоқда.

Ижтимоий ҳимоя — долзарб масала

Яқинда Ангор туманидаги «Наврўз», «Ўзбекистон», «Навбаҳор» маҳаллаларида хотин-қизлар билан учрашиб, уларни ўйлантираётган масалаларни яқиндан ўргандик. Ангор туман партия кенгаши раиси Боймурод Мамадаминов, туман Кенгаши депутатлари Анорхон Эсонниёзова, Шавкат Хайитов, Мусо Чоршанбиев, Обид Жўраев, Дилбар Ҳамраева муножаратларни ҳал этишга қўмақлаштишди.

Туманда ногирон аёллар 464 нафарни ташкил этади. Шулардан 58 нафари биринчи гуруҳ ногирони, 340 нафари иккинчи гуруҳ ногирони, 66 нафари учинчи гуруҳ ногиронларидир. Уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш партия ташкилотлари ва депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Яқинда туман Кенгаши депутати Обид Жўраевнинг тегишли ташкилотларга юборган депутатлик сўрови асосида «Навбаҳор» маҳалласида истиқомат қилаётган Норгул Мирзаевага ногиронлик аравчаси олиб берилди.

Партиямиз фаоллари, депутатлари фаолиятдан бундай мисолларни яна қўллаб келтириши мумкин.

Нилуфар ШАЙМАНОВА,
ЎЗХДП Сурхондарё вилоят
кенгаши сектор мудир.

ЎЗХДП маҳаллий кенгашларида

Битирувчилар бандлигини таъминлаш доимий эътиборда

Марғилон шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Партиянинг Сайловолди дастури ижроси: амалий ишлар ва мавжуд муаммолар» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия ташкилотлари ходимлари, Марказий банк Фарғона вилоят бошқармаси мутахассислари, партия электорати ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида партия томонидан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва кам таъминланган аҳолининг реал даромадлари миқдорини ошириш масалалари кун тартибидан ўрин олган. Мазкур тадбир ҳам депутатлар томонидан маҳаллий давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда ечимини қўлағатган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қўмақлаштиш мақсадида ташкил этилди.

Марғилон шаҳридаги енгил саноат ва туризм касб-хунар коллежиди шаҳардаги барча касб-хунар коллежи битирувчилари, ишсиз ёшлар иштирокида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. 40 га яқин ташкилот-муассасалар 400 дан ортиқ иш



ўрни билан қатнашди. Шунингдек, депутатлар, партия ходимлари, шаҳардаги тижорат банклари вакиллари кредитлар ёрдамида ўзининг кичик бизнесини йўлга қўйган хонадонларга бориб, уларнинг иш фаолияти билан танишишди.

— Марғилон енгил саноат ва туризм касб-хунар коллежи битирувчиси Ман, — дейди Мохларой Солиева, — Бугунги меҳнат ярмаркасида менга Марказий банк вилоят бошқармаси томонидан имтиёзли кредит олиш учун сертификат берилди. Бу орзуларимни рўйбга чиқариш учун қўйилган илк қадам бўлди десам, янглишмайман. Коллежни битиргач, болалар учун трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган оилавий

корхона очмоқчиман. Бундан ташқари, миллий либосларни тикишга мўлжалланган тикувчилик цехи ташкил этиб, тенгдошларимни иш билан таъминлаш ниятим ҳам бор. Бунинг учун менда барча имкониятлар етарли.

— Аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида турли тадбирларни ўтказяпмиз, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши мутахассиси Дурбек Худойкулов, — Электратимиз вакиллари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чорвачиликни йўлга қўйиш, шунингдек, боғдорчиликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратилишига қўмақлаштиляпти. Бу электрот вакилларининг жамиятнинг фаол аъзосига айланишига за-

мин яратмоқда.

Тадбир давомида ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан лойиҳалар йўналишида келишувлар амалга оширилди ва ўз бизнесини бошламоқчи бўлган партия электорати вакиллари тижорат банклари томонидан кредит олиш учун сертификатлар топширилди. Шунингдек, халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи олдида турган вазибалар бўйича аниқ йўналишлар белгиланган.

Семинар якунида кўча Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Электрот вакиллари турли масалаларда депутатларга муножарат қилишди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Энг муҳим вазибалардан бири — касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш.

БАҒРИКЕНГЛИК — ТИНЧЛИК ВА
БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита томонидан «Диний бағрикенглик — тинчлик ва барқарорлик гарови» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган турли диний конфессиялар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

— 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган мамлакатимизда 16 диний конфессия, 2239 диний ташкилот фаолият юритмоқда, — деди Дин ишлари бўйича кўмита раиси Ортиқбек Юсупов. — Улардан 2065 таси исломий, қолганлари христиан, яҳудий ва бошқа динларга мансуб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида динлар билан ҳамкорлик қилиш сиёсати барча фуқароларнинг диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тенг иштироки тасмийлаш асосида амалга оширилмоқда.

— Марказий Осиёнинг жаҳон геосиёсий тизимидаги аҳамияти ортиб бораётган буғунги кунда минтақада муҳим ўрин тутган юртимизни диний сиёсатлаштиришга уринаётган оқимлар таҳдидидан ҳимоя қилиш, фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиш бериш, асл диний қадриятларни авайлаб-асраш, диний бағрикенглик ва миллатларaro тўтувликни янада мустаҳкамлаш энг долзарб масала ҳисобланади, — деди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, шайх Абдулқодиқ Мансур. — Мамлакатимизда асрлар оша ҳукм сўраб келаётган диний бағрикенглик ҳақида

мамлакатимизда амалга оширилаётган динларaro бағрикенглик ҳақида кўмита раиси Ортиқбек Юсупов айтишга тўғри келган. Уларнинг асосий қисми диний бағрикенглик ҳақида кўмита раиси Ортиқбек Юсупов айтишга тўғри келган. Уларнинг асосий қисми диний бағрикенглик ҳақида кўмита раиси Ортиқбек Юсупов айтишга тўғри келган.

Жиноятга жазо муқаррар
ҚИНҒИР ИШ
КЕЛТИРАР
ТАШВИШ

Мамлакатимизда меҳнат қиламан, деган одамга иш топилади, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун барча ҳуқуқий асослар яратилган, катта имтиёзлар берилган. Бу имкониятлардан фойдаланиб, катта-кичик корхоналар очиб, оиласини бекам қўст таъминлаётган, янги иш ўринлари очиб, жамиятга фойдаси тегаётганлар кўпайиб бормоқда.

Бирок қинғир йўл билан дарҳол бойиб кетишни мақсад қилиб, жиноятга қўл ураётганлар ҳам йўқ эмас. Жиноят эса жазосиз қолмайди.

Муқаддам содир этган фирибгарлик жинояти учун тайинланган жазо чорасидан тегишли ҳулоса чиқармаган наманганлик Баҳодир Қодиров «DELFIN SHALOLASI» МЧЖ директори Шерзод Қодиров билан навбатдаги жиноятни содир этиш учун тил бириктиради. МЧЖ номидан «Lok Kolor Sintez» номли Ўзбекистон-Нидерландия-Британия қўшма корхонаси билан бўёқ маҳсулотлари сотиб олиш бўйича шартнома тузади.

Мазкур шартнома асосида МЧЖ 2010 йил январь-февраль ойлари мобайнида қўшма корхона томонидан етказиб берилган 390.756.918 сўмлик бўёқ маҳсулотларини қабул қилиб олади. Аммо ушбу маҳсулотлар шартномада кўрсатилган мақсадларга ишлатилмасдан, вақтинча иш билан банд бўлмаган Баҳромжон Гафуров, Раҳимжон Абдурахмонов, Мухаммад Аҳмедов каби шахслар воситасида Наманган, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида нақд пулга сотилган ва савдодан тушган пул маблағлари

банк ҳисоб рақамига кириб қилинган. Бундан ташқари, уюшган гуруҳ раҳбари Баҳодир Қодиров ва Шерзод Қодировлар ўзлаштирилган бўёқ маҳсулотларининг бир қисмини «Нексия» ҳамда «Ласетти» русумли автомашиналарга алмаштириб, жиноий фаолият натижасида топишган даромадларини легаллаштиришган.

Маъмур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, олиб борилган тергов ҳаракатлари натижасида юқорида номлари кўрсатилган уюшган гуруҳ аъзоларининг қилмишлари фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди томонидан айбдорларга нисбатан турли муддатларга озод қилиб олади. Аммо ушбу маҳсулотлар шартномада кўрсатилган мақсадларга ишлатилмасдан, вақтинча иш билан банд бўлмаган Баҳромжон Гафуров, Раҳимжон Абдурахмонов, Мухаммад Аҳмедов каби шахслар воситасида Наманган, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида нақд пулга сотилган ва савдодан тушган пул маблағлари

Мурод МАВЛОНОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Тергов департаменти
катта терговчиси.



миллатларaro тўтувликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — деди Тошкент ислом университети катта ўқитувчиси Саидфазл Саиджалонов. — Халқaro ҳамжамиятда мамлакатимиз нуфузининг ошиши барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш, улар оғида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, турли миллат ва элат вакиллари билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида янгидан ташкил этилган Миллатларaro муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси фаолияти ҳам жамиятда миллатларaro ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсатини бундан буюн ҳам оғишмай

амалга оширишга қаратилган. — Ўзбекистон Бош Қомусида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар», деб белгилаб қўйилган, — дейди мамлакатимизда фаолият юритаётган рим-католик черкови епископи Ежа Мацулевич. — Бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрдаги 28-сессиясида қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари тўғрисида»ги Декларацияда «Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди», деб таъкидланади ҳамда ер юзи аҳли тинчлик ва осойишталикни

сақлашга даъват этилади. Бу бежиз эмас. Ўзбекистонда турли дин вакиллари билан қандай бўлишига қарамай, динларaro ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга хизмат қилади. — Дунёдаги барча динлар эзгулик ҳолатига асосланади. Улар одамларни тўғрилик, софлик, шафқат ва бағрикенгликка ундайди, бировга озор бермасликка, ёмон ишлардан тийилишга даъват этади, — дейди Тошкент руҳоний семинария проректори, протоиерей Сергей Стаценко. — Бугун инсоният олдида кўндаланг бўлиб турган экологик ҳалокатлар, террорчилик ва диний экстремизм сингари тасаввур қилиб бўлмайдиган бало ва офатлар ер юзи аҳлини бирлашишга ва ҳамкорлик қилишга ундамоқда. Эзгулик, дўстлик ва биродарлик, меҳр-шафқатгина инсониятни ҳалокатдан, фожиялардан асраб қолади.

Жамият барқарор ривожланиши ва унда тинч-отувар ҳаёт таъминланиши учун нафақат чегаралар дахлсизлиги, балки мамлакат ичидаги этник можароларга йўл қўймаслик муҳим ҳисобланади. Бир ҳудудда яшаб турган бошқа халқларнинг урф-одатларини, анъаналарини ҳурмат қилиш, толерантлик тамойилларига амал қилиш жамиятнинг ривожини учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбир доирасида мустақиллик йилларида турли нарийвлар томонидан чоп этилган диний мавзудаги адабиётлар кўргазмаси ташкил этилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ижтимоий ҳимоя
Пенсиялар аҳолига тез ва ўз
вақтида етказилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсия ва нафақаларни тўлаш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Халқ банки республика миқёсида пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича ягона ваколатли банкка айланди.

Айтиш жоизки, қарорга мувофиқ жорий йилнинг 1 апрелидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг 13 шахри ва Тошкент шаҳрининг 6 туманида, жами 758 маҳалла фуқаролар йиғинларида Халқ банки томонидан пенсионерларга пенсия тўловлари тарқатилмоқда. Жорий йилнинг 1 майдан бошлаб 39 қишлоқ туманларида 1 407 маҳаллада ҳам пенсия тўловлари тўланиши бошланди. 1 июлдан эса республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида Халқ банки томонидан пенсия ва нафақа тўловларининг тўланиши тўлиқ жорий қилинади.

Эндиликда пенсионерлар ҳар ойлик пенсия маблағларини жадвалга мувофиқ посёлка, қишлоқ, овул ва маҳаллалардаги фуқаролар йиғинларида олишлари мумкин бўлади. Агарда жадвалда белгиланган вақтда пенсияни олишга улгурмаган шахслар бўлса, улар ўз пулларини бошқа кунларда олишлари мумкин.

Шунингдек, пенсия маблағини уйга олиб келиб бериладиган шахслар рўйхати ҳам тузиб чиқилиб, пенсия ва нафақаларнинг махсус кассалари жойлашишида қандайдир ўзгаришлар бўлса, пенсия олувчилар банк, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан хабардор этилади. Айни дамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан Халқ банки билан биргаликда пенсия ва нафақалар тўланишини онлайн-режимда СМС-хабардор этиш тизимини амалга татбиқ этиш, шунингдек, маблағларни тўлаш жараёнини автоматлаштириш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Албатта, бу ҳали бошланиши. Олдинда кўп рақамли режалар турибди. Шундан келиб чиқиб, банкнинг барча туман ва шаҳар филиалларида пенсия ва нафақа тўловлари бўлими ташкил қилиниб, малакали мутахассислар билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 6 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади:*)	1 Англия фунт стерлинги	4984,91	1 БАА дирхами	1054,88
	10 Япония иенаси	350,44	1 Миср фунти	214,30
	1 Исландия кронаси	39,75	1 Дания кронаси	586,93
	10 Жанубий Корея вонини	34,65	1 Австралия доллари	2884,94
	1 Кувайт динори	12776,54	1 Туркия лираси	1104,97
	100 Ливан фунти	257,32	1 СДР	5359,61
	1 Малайзия ринггити	908,33	1 Канада доллари	2874,25
	1 Норвегия кронаси	460,60	1 Украина гривнаси	147,43
	1 Хитой юани	569,57	1 Польша злотийси	1043,58
	1 Сингапур доллари	2803,53		
	1 Швеция кронаси	449,10		
	1 Швейцария франки	4019,59		


4984,91	1 БАА дирхами	1054,88
350,44	1 Миср фунти	214,30
39,75	1 Дания кронаси	586,93
34,65	1 Австралия доллари	2884,94
12776,54	1 Туркия лираси	1104,97
257,32	1 СДР	5359,61
908,33	1 Канада доллари	2874,25
460,60	1 Украина гривнаси	147,43
569,57	1 Польша злотийси	1043,58

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ



ДУНЁДАГИ ЭНГ
ЙИРИК
сузувчи қуёш электр
станцияси ишга тушди



Хитойда дунёдаги энг йирик сузувчи қуёш электр станцияси ишга туширилди ва маҳаллий электр тармоғига уланди.

Аньхой провинциясининг Хуайнань шаҳри яқинида жойлашган янги сузувчи электр станцияси 40 мегаватт қувватга эга.

Ўтган йили 20 мегаваттлик қуёш электр станцияси сувга туширилган эди.

Сузиб юрвчи электр станциялари ноёб дизайни ва ер майдони ажратилишини талаб қилмаслиги туфайли тобора оммалашиб бормоқда. Бундан ташқари, бундай станциялар сув буғланишини секинлаштиради, бу эса экология учун фойдалани.

2020 йилгача Хитой қуёш электр станцияларидан олинадиган энергия миқдорини умумий истеъмол қилинадиган энергиянинг 20 фоизига етказишни режалаштирмоқда.

ЭНГ КАТТА
ТЕЛЕСКОП
қурилиши бошланди



Чилида дунёдаги энг катта телескоп қурилиши бошланди. Қуёш тизимидан ташқарида жойлашган сайёралар — экзосайёраларни аниқлашга мўлжалланган қурилма Чилининг Атакама чулида 2024 йилгача қуриб битказилади.

1 миллиард долларлик қурилма 5 сегментли ойна билан жиҳозланади. Ойналардан энг каттасининг диаметри 39 метрни ташкил қилади ва диаметри 1,4 метрли 800 та оптик бурчакли ойнадан ташкил топади.

Лойихани молиялаштираётган Европанинг 13 давлати, жумладан, Бразилия ва Чили таркибига кирувчи халқaro тадқиқот ташкилоти маълумотларига кўра, телескопнинг айланувчи гўмбаси майдон деярли футбол майдонига тенг бўлади. Қурилманинг умумий оғирлиги 5 минг тонна ташкил қилади.

ДУБАЙ
сайёрамизнинг ҳавоси энг
тоза шаҳарлари қаторига
киради



Дубай ҳукумати «энг тоза ҳаво» стратегияси ишга туширилган ҳақида эълон қилди. Беш йилга мўлжалланган стратегиянинг мақсади — Дубайни сайёранинг энг мусаффо ҳавога эга бўлган шаҳарлари қаторига киритишдир.

Бунинг учун амирлик ҳукумати алоҳида дастур ишлаб чиқди. Мутахассислар ушбу дастур апроф-муҳитни яхшилаш учун қўйилган муҳим қадам бўлиб, дубайликлар саноатлигига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлашмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Бошқа дин вакиллари билан қадриятларини эъзозлаш ислом динининг гўзал ахлоқларидандир.

Ижтимоий ҳимоя

Ўзбекистон Миллий университети Таълим, фан ва маданият ходимлари касса уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда университетнинг профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва бир гуруҳ иқтидорли талабалари учун Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

САМАРҚАНД САЁҲАТИ ВА ЗИЁРАТИ

таассуротларга бой бўлди



Ўқитувчи-ҳодимларнинг меҳнати, иқтидорли талаба-ёшларнинг интилишларини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу саёҳатнинг кун тартибидан Самарқанд шаҳридаги муқаддас қадимжолар, шу жумладан, Биринчи Президентимиз Имом Каримовнинг қабрини зиёрат қилиш ўрин олган эди.

— Тошкентдан Самарқандга «Афросиёб» тезкор поездидида жунадик, — дейди ЎЗМУ талабаси Бехрузабону Абдуназарова. — Самарқандда дастлаб Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини, Мирзо Улуғбек расадхонасини, Амир Темур мақбарасини, Регистонни ва бошқа муқаддас жойларни зиёрат қилдик. Саёҳатимиз давомида мустақил давлатимизнинг асосчиси, биз, ёшларга доимо ғамхўрлик қилган Биринчи Президентимиз Имом Каримов мангу қўним топган Ҳазрати Хизр мажмуасида ҳам бўлдик. Устозларимиз билан бирга буюкларимизнинг ҳақиқат Кўрбон тиловат қилдик. Кечки салқинда «Афросиёб»да Тошкентга қайтдик. Тўғриси айтганда, таассуротларни сўз билан ифода этишга ожизман.

— Ушбу саёҳат нафақат профессор-ўқитувчиларимиз балки талабаларимиз учун ҳам фойдали бўлди, — дейди ЎЗМУ журналистика факультети декани ўринбосари, доцент Рамзиддин Абдусатторов. — Зиёрат тadbirlari ёшларимизни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга, қандай буюк аждодларнинг авлодлари эканини теран ҳис қилишга ва албатта, уларга муносиб авлод бўлиш масъулиятини чуқур англашга хизмат қилади.

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА,
Мирзо Улуғбек номидаги
ЎЗМУ журналистика
факультети II курс талабаси.

ГУЛЛАРГА БУРКАНГАН ОРАСТА ШАҲАР

Наманганда 57-анъанавий «Гул байрами» ўтказилди

Байрамга тайёргарлик жараёнида Наманган кўчалари, хибонлари, майдонлари турфа гуллар, гулсавату гулчиноқлар билан пардозланди. Байрам тadbirlari доирасида турли кўрик-танловлар ўтказилди.

Вилоят бош майдонидаги «Тинчлик стелласи» атрофидаги хибонда, Захриддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи йўлак ва майдонларида тажрибали боғбон ҳамда ҳаваскор гулчилар ўзлари парваришлаган гуллар кўргазмасини намойиш қилдилар.

Боғнинг турли бурчакларида дизайнёрлар композициялари, адабий тadbirlar ташкил этилди.

— Бу галги байрамда гулчиларимиз томонидан яратилган янги гул нави «Хонзодабегим» деб аталади, — дейди «Гул ишқибозлари» клуби раҳбари Дилбар Содикова. — Гул шайдоси бўлган халқимизнинг меҳнати ва маҳорати гулхоналар қиёфасини, хибонларнинг гулафшонлиқ сийқини батамом ўзгартирди. Наманган кўчаларидан ўтган одамнинг барк уриб, турфа рангда жилоланаётган гулу райхонлардан баҳру дили очилади.

Шаҳардаги Мўминовлар оиласини водийлик гул ишқибозлари яхши танишади. Биргина кактус гулининг мингдан зиёд навини парваришлаб, оммалаштираётган бу оилада 4 киши доимий меҳнат билан банд. Абдухалим Юнусов, Носиржон Ҳакимжонов сингари гулчилар анъанавий байрам ярмаркасида деярли ҳар йили иштирок этадилар ва совринли ўринларни эгаллайдилар.

Маҳаммадхон Иброҳимов раҳбарлик қилаётган «Дехқон-М» фермер хўжалигининг 2 гектарлик иссиқхонасида фақат ноёб гуллар етиштирилади. Фермер хўжалигида мавсумга қараб 40-50 нафаргача



ишчи гул парвариши билан банд бўлади.

— Биз гулчиларнинг учинчи авлодимиз, — дейди ҳаваскор гулчи Носиржон Ҳакимжонов. — Бобомиз Абдуғанибой Наманган гулчиларининг пешқадами бўлганлар. Оилавий хўжалигимизда 12 киши доимий иш билан банд.

Анджондан Наманганга йўллар туташ, бу йўللarda гулга пайванд диллар туташ. Ўзини Азизбек Мамажонов деб таништирган гулчи йигит 65 турдаги 350 дан зиёд ноёб гулларни кўргазмага қўйган. У ўтган йили ўтказилган байрамда учинчи

ўринни олган экан. Бу йил совғага қўйилган «Матиз»лардан бирини кўлга киритишни мўлжаллаб турганини айтди.

— Маълумотларга кўра, дунёнинг саккиз давлатида «Гул байрами» ўтказилар экан, — дейди халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Илҳомжон Атабоев. — Лекин жаннатмонанд Наманганда анъанага айланган бу байрам ўзига хос, бетакрор.

Кореялик меҳмон Су Бин ўз хайратини шундай ифодалайди:

— Ўзбекистонни кўнгли юрт

Кореялик меҳмон Су Бин ўз хайратини шундай ифодалайди:

— Ўзбекистонни кўнгли юрт дейишларининг сабабини Намангандаги гул сайлида ҳис этдим. Ўзим Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетидида таҳсил оламан. Халқингизнинг ўзига хос анъаналари, қадриятлари орқали тили ва руҳиятини, адабиёти ва маънавиятини ўрганаётман.

дейишларининг сабабини Намангандаги гул сайлида ҳис этдим. Ўзим Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетидида таҳсил оламан. Халқингизнинг ўзига хос анъаналари, қадриятлари орқали тили ва руҳиятини, адабиёти ва маънавиятини ўрганаётман.

Бэй Жинсунинг фикрлари янада эътиборли:

— Кореяда ўтказиладиган гул байрами билан бизлардаги байрамнинг фарқи бор. Бизда хонаки гулларга унча эътибор берилмайди. Бу ердаги гулчи оилалар, сулолалар, ўқув юрти ва меҳнат жамоаларининг кўргазмада қатнашишлари менга жуда ёқди.

— Гул байрами фақат бизда — Хитойда ўтказилади деб ўйларканман, — дейди Хуа Мин. — Очиғи, Намангандаги гул сайли бунчалик кўтаринкилик, уюшқоқлик билан ташкил этилишини тасаввур қилмаган эканман.

Носиржон ДЕХҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Футбол

Бугун ЖЧ-2018 саралаш баҳсларидан аввал дунёнинг кўплаб давлатларида халқаро ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтади. Жумладан, Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тошкентдаги «Бунёдкор» стадионида Таиланд терма жамоасини қабул қилади.

МУҲИМ УЧРАШУВ ОЛДИДАН

Мазкур ўртоқлик учрашуви футболчиларимиз учун 12 июнь куни Эронга қарши ўтказиладиган ЖЧ-2018 саралаш босқичига тайёргарлик вазифасини ўтайди.




Таиланд терма жамоаси бош мураббийи Милован Раевац 22 нафар футболчи билан кеча Тошкентга етиб келди.

Эрон терма жамоаси Ўзбекистонга қарши ўйиндан аввал Черногория билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Черногория пойтахти Подгорица шаҳрида кечган ўйин 1:2 ҳисобида якунланди. Черногория терма жамоаси дарвозасига тўпларни Сардор Азмун киритди.

Ўзбекистонлик футбол ишқибозлари миллий терма жамоамизнинг Эрон билан бўладиган учрашувини сабрсизлик билан кутмоқда. Бу учрашув ўта муҳим аҳамиятга эга. Футболчиларимиз мухлислар ишончини оқлашади, деб ўйлаймиз ва уларга омад тилаймиз.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Эълон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.
Андижон шаҳри, Чўпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерناзар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.

Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Самарқанд тумани, Ўрташиқ қишлоғи, Радио шаҳарча, телефон: 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: 230-64-77.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV Muslihidin FARRUX HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV Ochilboy RAMATOV Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan.
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638
14306
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:10
Topshirilgan vaqti — 23:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5